*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 34 (8774). ● 14 февраль, 1986 йил ● ЖУМА ● Баҳоси 3 тийин.

## МАЖБУРИЯТ БАЖАРИЛДИ

ЎРТА ЧИРЧИҚ районидаги Йўлдош Охунбобоев номли колхоз деҳқонлари КПСС XXVII съезди шарафига олган барча мажбуриятларини муддатидан илгари бажардилар. Бу ерда экиш агрегатлари, ғўза ва канопни парваришлаш, йиғиштириб олишда ишлатиладиган машина-механизмлар комплекси республикада биринчилар қатори янги мавсумга тахт қилиб қўйилди. Район агросаноати комиссияси 30 та чигит экадиган ва 15 та каноп экадиган сеялкалар, культиваторлар, бороналар ва бошқа агрегатларни, чопиқ тракторлари ва терим машиналарини «аъло» баҳо билан қабул қилиб олди. Ремонтчиларнинг юқори малакаси, район агросаноат бирлашмасининг ягона инженер-техника хизмати билан яқиндан ҳамкорлик қилиш муваффақиятни таъминлади.

Хўжалик чорвадорлари ҳам янги беш йилликни яхши бошладилар. Колхоз фермаси давлатга ҳозирнинг ўзидаёқ 10 тоннадан кўпроқ гўшт ва 65 тонна сут етказиб берди. Икки ойлик ишлаб чиқариш программаси бажарилди.

(ЎзТАГ мухбири).

## ЭРТАГА — БУТУНИТТИФОҚ КОММУНИСТИК ШАНБАЛИГИ

### ҚЎШИМЧА ЕТТИТА МАШИНА

ПОЙТАХТИМИЗДАГИ 2-маршрутли таксилар автотранспорт корхонаси коллективи КПСС XXVII съездини муносиб кутиб олиш юзасидан бошланган социалистик мусобақани янада авж олдириб юборди. Меҳнат беллашувида А. Собиров, П. Черноиванов, Р. Комилов етакчилигидаги маршрут таксилари бригадалари доим илғорлар сафида боришмоқда. Бу пешқадам коллективлар коммунистларнинг катта анжумани очиладиган кунгача икки ойлик топшириқларини бажаришга сўз берганлар. Шу кунларда улар ҳар қачонгидан ҳам унумли ишлаб, нормаларини доим ошириб бажаришга эришмоқдалар.

Корхона коллективи коммунистик шанбаликда ҳам актив қатнашади. Меҳнат байрами куни қўшимча еттита автомашина рейсга чиқарилади. Шанбаликда оддий кунлардагига нисбатан анча кўп йўловчига транспорт хизмати кўрсатилиб, қўшимча минг сўмлик иш бажариш кўзда тутилмоқда. Шу куни тушган 1700 сўмлик иш ҳақи беш йиллик фондига ўтказилади.

А. ҒУЛОМОВ.

### ТАДБИРЛАР АНИҚ

ЧИРЧИҚДАГИ 10-автобаза коллективи КПСС XXVII съездига бағишлаб ўтказиладиган коммунистик шанбаликка пухта ҳозирлик кўрмоқда. Бу ерда меҳнат байрами куни амалга ошириладиган ишлар белгилаб олинди. Жумладан, шу куни Чирчиқ шаҳри ҳамда областимизнинг қурилиш майдонларига 31,8 минг тонна металл конструкциялари, темир-бетон буюмлари, қум, шағал, қатор бошқа бинокорлик материаллари етказиб берилади. Юкларнинг ярмини иқтисод қилинган бензин ва дизель ёнилғиси ҳисобига ташиб бериш мўлжалланмоқда. Умумхалқ байрамида авторемонтчилар ҳам актив қатнашадилар. Улар жами 34 та машинани ремонтдан чиқарадилар. Шу кунги меҳнат ҳақининг 1800 сўми ўн иккинчи беш йиллик фондига ўтказилади.

А. ПОРТНОЙ.

### БИР ТАН, БИР ЖОН БЎЛИБ

УСМОН Юсупов номидаги аграр-саноат бирлашмаси бўлинмаларида партия XXVII съезди шарафига ўтказиладиган умумхалқ ҳашарига пухта ҳозирлик кўрилмоқда. Консерва заводи коллективи бу ватанпарварлик ташаббусига биринчилар қаторида қўшилди. Корхонада шанбаликка тайёргарлик бўйича олиб борилаётган ишларга штаб раҳбарлик қилмоқда. Мутахассислар, ишлаб чиқариш илғорлари, маъмурият ва жамоат ташкилотлари вакилларидан ташкил топган шанбалик ўтказиш штаби цехлар ва участкаларда умумхалқ ҳашари юксак меҳнат унумдорлиги билан нишонланишига қаратилган кўплаб тадбирларни амалга оширмоқда.

Корхона бўйича шанбаликда юзлаб консервачилар қатнашадилар. Уларнинг аксарияти бевосита яратувчилик меҳнати билан шуғулланишади. Ўз агрегатлари ёнида, иш жойларида бўлишади. Айрим ишчилар зиммаларига шахсий мажбуриятлар олишди. Илғор ишчи Ш. Абдураззоқова нормани 130 процент қилиб бажаришга ваъда берди ва касбдошларини шундай юксак меҳнат кўрсаткичларига эришишга даъват этди. Ўнлаб консервачилар унинг ташаббусини қўллаб-қувватладилар.

Корхона коллективи шу куни тушган ҳамма иш ҳақини беш йиллик фондига ўтказишга қарор қилди.

М. МАҲМУДОВ.

## КПСС XXVII СЪЕЗДИ — ПАРТИЯ СЪЕЗДИНИ МУНОСИБ МЕҲНАТ СОВҒАЛАРИ БИЛАН КУТИБ ОЛАЙЛИК

## БОҒБОН



### КПСС XXVII СЪЕЗДИ ДЕЛЕГАТЛАРИ

Бош экономист А. Жанақов олдимизга бир даста маълумотларни қўйди.

— Буларда Саноат Шоназова бошлиқ бригада аъзоларининг ўтган беш йилликда бажарган иш натижалари жамланган, — деди у. — Йилма-йил таҳлил қилиб чиққанмиз.

Илгари Саноат ишлаган бригадада сабзавот ҳам, озуқа ва ҳўл мевалар ҳам етиштирилар эди. Кейинроқ алоҳида боғдорчилик бригадаси ташкил этилди, бригадалар маълум тур экинлар экишга ихтисослашди. Саноат актив коммунист, тажрибали боғбон бўлганлиги учун ҳам совхоз раҳбарлари ҳеч иккиланмай уни боғдорчилик бригадасига раҳбар этиб тайинлашди.

Ҳақиқатан ҳам Саноатнинг суяги боғ ишларида қотган эди. Опаси Буойша уйларининг олдидаги боғда ишларди. Саноат мактабдан қайтди дегунча пақирчасини олиб опасининг ёнига югурарди. Бориб олма теришарди, хирмондагисини саралашарди. Хуллас, тинч ўтирмас эди. Мактабни тамомлаб кейин шу бригаданинг аъзоси бўлиб қолди. Мана энди орадан кўп ўтмай уни бригадирликка кўтаришди. Ўшандан бери у ҳамиша бригада ташвишида юради. Қандай қилсам боғлар ҳосилдорлиги ошади, мева етиштириш кўпаяди, сифати яхшиланади деб ўйлагани-ўйлаган.

Дастлабки йилларда бригаданинг олмазори 17 гектар эди. Бригада аъзолари эрта баҳордан боғларни ўғитлаб, чуқур ҳайдаб, суғоришди. Кузда эса пландаги 85 тонна ўрнига 150 тонна ҳосил териб олишди. Кейинги йилларда улар янги ерлар очишга, боғларни кенгайтиришга бел боғлашди. Янги ерларга тез етиладиган серҳосил кўчатларни танлаб экишди.

3—4 йил ичида олмазорлар 25 гектарга, узумзорлар эса 5 гектарга кенгайди. Шундан кейин ҳосилга ҳам барака кирди.

Бош экономист узатган маълумотларни кўздан кечириб Саноат опа бошлиқ боғбон қизлар бажарган ишларга беихтиёр қойил қолдик. 1981 йилда ҳар гектар боғ ҳисобига ҳосилдорлик 56 центнерни ташкил этган эди, ўтган йили эса 163 центнер бўлди. Бригада коллективи умуман беш йил давомида мўлжалдаги 1350 тонна ўрнига 1603 тонна олма, 255 тонна ўрнига 279 тонна узум етиштирди.

Кейинги йилларда боғбонлар пиллачиликни ривожлантиришга ҳам катта ҳисса қўшишяпти. Ўтган йили улар асосий ишлардан бўш пайтларида пилла қурти боқишиб, пландаги 3 минг килограмм ўрнига 3450 килограмм пилла топширишди. Бу йил ҳам пилла қурти боқишда актив қатнашиш истагини билдиришяпти.

Мўл ва сифатли ҳосил етиштиришдан ҳар бир ишчи манфаатдор бўляпти. Ўтган йили мукофот пулларини ҳам қўшиб ҳисоблаганда ҳар бир ишчининг ўртача ойлик маоши 470 сўмга тўғри келди. Кўпгина ишчилар меҳнатларига яраша тақдирландилар. Саноат опанинг кўксини безаб турган қатор-қатор орден ва медаллар ҳам унинг меҳнат фронтида кўрсатган жасоратига гувоҳдир. У икки марта Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотланган. Орденлар ёнида «Қаҳрамон она» нишони ҳам кўзга ташланади. Ҳа, у 10 фарзанднинг онаси. Ўғил-қизлари ҳозир ёнига кириб қолган. 3 қизи ўзи билан бирга шу совхозда ишлаяпти.

— Пудрат усулида ишлашга ўтиб катта манфаат кўряпмиз, — дейди Саноат опа Шоназова. — Бригадамизнинг 10 нафар аъзоси бор. Ҳаммамиз бамаслаҳат совхозда биринчилар қатори янгича усулда ишлашга ўтган эдик. Шундан кейин ишга муносабатимиз ҳам, турмуш тарзимиз ҳам бутунлай ўзгарди. Худди ўз боғимизда меҳнат қилаётгандек ҳар бир туп ниҳолни авайлаб парвариш қиладиган, етиштирилган мўл ҳосилдан ҳаммамиз бирдай манфаат кўрадиган бўлдик. Далаларда ишлар тугаган бўлсада лекин биз боғдан қайтмаймиз. Ризқ-рўзимиз шу боғда эканлигини яхши биламиз.

Боғбонлар кеч кузда боғларни озуқага тўйдиришди. Кейин чуқур қилиб ҳайдашди, дарахтларга шакл беришди, босиб-босиб уч марта суғоришди.

— Бизда сув танқислиги сезилади, — изоҳ берди бригадир. — Ёзда сув сабзавот ва картошкалардан ортмайди. Шунинг учун куз ва қишда боғларни сувга қондирамиз. Ёшини яшаб бўлган дарахтларни эса илдизи билан қўпориб баҳорда улар ўрнига ёш ниҳоллар ўтказишга киришамиз. Шунда боғлар қаримайди, ҳосили камаймайди.

— Саноат опанинг боғларини баҳорда кўринг, — дейди «Оҳангарон» совхози партия комитетининг секретари Сотиволди Каримов. — Ҳозир ҳам боғлардан баҳор нафаси келиб қолган. Лекин олмалар оппоқ гуллаганда бу жойлар ажиб манзара касб этади. Ўшанда тоғ бағрида кўркам боғ яратган онахон-опахонлар меҳнатига беихтиёр тасаннолар айтасиз. Боғларнинг шундай яшнаб туришида Саноат опанинг дугоналари Турғуной Қодирова, Хурсаной Қўчқорова, Орзу Раҳмонқулова каби илғорларнинг ҳам ҳиссаси бор.

— Бригада аъзоларининг ҳаммаси аёллар, — дейди Саноат опа. — Биз боғда меҳнат қилаётган хотин-қизлар меҳнатини енгиллаштириш устида зарур чоралар кўрилишини истаймиз. Ҳосилни териб олишда ва ташишда қийналиб қолаяпмиз. Олимлар боғбонлар хизматини қиладиган машиналар яратишса кўнгилдагидек иш бўлар эди. Совхоз раҳбарлари эса ҳосилни йиғиб олиш даврида эркаклар ҳисобидан бригада аъзолари сафини кенгайтириш устида ўйлаб кўришлари керак. Чунки терилган олмаларни ташиш кўп жисмоний куч талаб этади. Ўз навбатида Ўзбекистон Коммунистик партиясининг XXI съездида ҳам қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини комплекс механизациялаш муҳим вазифа қилиб қўйилди. Съезд материалларини ўрганиб, ўзимизда бу соҳада кўпгина муаммолар борлигини ҳис этмоқдамиз.

Ж. НОСИРОВ,
Оҳангарон райони.

ИШГА ТУШИРИЛАДИГАН ОБЪЕКТЛАР

### ЦЕМЕНТ ЭЛЕВАТОРИНИНГ БИРИНЧИ НАВБАТИ

Ўзбекистон пойтахти ва Тошкент областидаги қурувчиларга бундан буён цемент бир маромда етказиб бериладн. Тошкентдаги цемент элеватори биринчи навбатининг ишга туширилиши бунинг омили бўлади.

Цемент ортилган состав «банкалар» — катта сиғимли идишлар олдига келиб тўхтади. Қудратли насослар вагонлардаги цементни ана шу баҳайбат идишларга «узата» бошлади. Цемент ташийдиган автомобиллар ҳам шу ердан хом ашё олиб, бетон заводларига жўнаб кетаверади. Юк автомат тарзда ортилади.

Янги элеватор республика Госснаби қарамоғидадир. Таъминотчилар ҳар йили Тошкент ва пойтахт области қурилишларига 2 миллион тоннадан ортиқ цемент юборадилар. Хом ашёни ортиш, тушириш ва сақлаш кезида нобудгарчиликка йўл қўйиларди. Юз минглаб тонна цемент автотранспортда тўппа-тўғри корхонадан ташиб келтирилар, минглаб вагонлар корхонанинг шох йўлларида имиллаб қолиб, вақт, ёнилғи, кўпдан-кўп маблағ бой бериларди.

Эндиликда элеватор ҳамма цемент заводларининг маҳсулотини марказлаштирилган тартибда олиб, уларни истеъмолчиларга бир текисда жўнатиб тураверади. Бу ерда турли маркадаги цементларни яхши сақлаш учун ҳамма шарт-шароит бор.

Республикада биринчи цемент элеваторининг ишга туширилишидан ҳар йили 5 миллион сўмдан кўпроқ иқтисодий самара олинади. Агар элеватор қурилиши «туя гўшти еб» чўзилиб кетмаганида, шундай самарани барвақтроқ кўриш мумкин бўлур эди.

Ниҳоят, энди элеватор ишлатиш учун қабул қилинди. 4 минг тонна цементни асрашга мўлжалланган «банкалар» — идишлар тўлдирилди. Республика Госснабида маълум қилишларича, йил охиргача яна иккита ана шундай комплекс ишга солинади, элеваторнинг сиғими уч баравар ошади.

Б. ҲАСАНОВ,
ЎзТАГ мухбири.

### СУРЪАТГА СУРЪАТ ҚЎШИБ

ТОВОҚСОЙ маиший химия фабрикаси коллективи ишлаб чиқараётган маҳсулотлар республикамиздагина эмас, балки Иттифоқимизнинг турли районларига ҳам жўнатилмоқда. Фабрикада уй-рўзғор буюмларидан ташқари лак ҳамда бўёқ маҳсулотлари ишлаб чиқарилаётганлиги мижозларни хушнуд этмоқда.

Съездолди социалистик мусобақаси давомида аҳоли талаби ва эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда меҳнат қилаётган коллектив янги беш йилликни кўтаринки руҳ билан бошлади. «Сафимизда қолоқлар бўлмасин!» шиори остида ишлаётган гилам цехининг Дилмурод Тешабоев, тикувчилик цехининг Елена Пак раҳбарлигидаги бригадалари аъзолари вақтдан ўзиб ишламоқдалар. Шу кунларда 1987 йилнинг иккинчи квартали ҳисобига меҳнат қилаётган Умсиной Файзиева, Марям Қаландарова, Ҳалима Жонодиловалар каби илғор тикувчилар нормаларини 130 процентдан бажариб, ҳамкасбларига ўрнак бўлмоқдалар. Бу илғорлар жонажон партиямизнинг XXVII съездини биринчи квартал планини бажариш билан кутиб олишга берган ваъдаларининг устидан чиқиш учун суръатга суръат қўшиб ишламоқдалар.

М. МИРСУЛТОНОВ,
Бўстонлиқ райони.



● ЯНГИ АНГРЕН ГРЭСининг навбатдаги энергоблокларини қуриш ишлари жадал олиб борилмоқда. Ўнлаб бунёдкорлар съездолди социалистик мусобақасида фаол қатнашиб, топшириқларни ортиғи билан бажаришяпти. Ушбу суратда: илғор монтажчилар — (чапдан) Ю. Федин, О. Стулин, В. Васильев, А. Алексеров ва О. Қутлибоевлар куч трансформаторини ўрнатиш ишларини барвақт тугалладилар.

А. Зуфаров фотоси.

## ҒОЛИБЛАР ШАРАФЛАНДИ

Ўзбекистон меҳнаткашлари «КПСС XXVII съездига — 27 зарбдор ўн кунлик» шиори остидаги зарбдор меҳнат вахтасини беш йилликнинг дастлабки йили планларини бажаришга салмоқли ҳисса қўшиш билан якунламоқдалар. Съездолди мусобақасида икки ярим миллиондан ортиқ киши, беш минг коллектив қатнашди. 13 февраль куни Тошкентда Ўзбекистон ССР халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида 23—27-ўн кунлик меҳнат рақобати кунларида ғолиб чиққанлар шарафига тантанали митинг бўлиб ўтди.

Митингда ўз мажбуриятларини бажарган «ўн саккизлар ташаббуси» ижодкорлари, ишчи маҳорати тармоқ конкурсларининг ғолиблари, ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари, Тошкент ва пойтахт области жамоатчилиги вакиллари, хўжалик раҳбарлари иштирок этдилар.

Митингни Ўзбекистон касаба союзлари республика Советининг раиси Ҳ. Алимова очди.

Митингда сўзга чиққан Октябрь революцияси номли Тошкент тепловоз ремонти заводи бошлиғи М. Мартьянов, Сурхондарё областидаги «Партия XXIV съезди» совхози бригадири Х. Сафаров, Андижон ип-газлама комбинатининг тўқувчиси М. Ҳаитова ва бошқалар йигирма етти зарбдор ўн кунлик миллионлаб меҳнаткашлар учун маҳорат дарси бўлганлигини айтиб ўтдилар. Съездолди мусобақаси кенг тус олганлиги туфайли халқ хўжалигининг кўпгина тармоқларида планга қўшимча жадаллашиш таъминланди, меҳнат унумдорлиги ошди. Янги беш йилликда илғорлар тажрибасидан фойдаланиш керак, бу тажриба КПСС XXVII съезди қарорларини муваффақиятли амалга оширишга хизмат қилиши лозим, деб таъкидланди митингда.

Стахановча ўн кунликларнинг беш якунловчи вахтаси ғолибларининг номлари айтиб ўтилди. Булар «Узбексельмаш» бирлашмаси, Навоий цемент заводи, Қўқон авиакорхонаси, «Газлинефтегаздобича» бирлашмаси, Каттақўрғон ёғ-мой комбинати, Бахт пахта заводи, Самарқанд химия заводи коллективлари ва жами 55 корхона ва ташкилотнинг коллективларидир. Улар Ўзбекистон ССР халқ хўжалиги ютуқлари виставкасининг Ҳурмат тахтасига ёзилдилар. Ана шу коллективларнинг вакилларига Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика Министрлар Совети, Узсовпроф ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг эсдалик вимпеллари, шунингдек Ўзбекистон ССР халқ хўжалиги ютуқлари виставкасининг дипломлари топширилди.

Митингда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев нутқ сўзлади.

Митингда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари В. П. Анишчев, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари А. С. Икромов, Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Б. Ф. Сатин, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари Ғ. З. Заҳритдинов иштирок этдилар.

(ЎзТАГ).

## ТЕЖАЛГАНИ ҲИСОБИГА

«УЗБЕКШАХТОСТРОЙ» трестининг йиғма темир-бетон заводида КПСС XXVII съезди шарафига бошланган социалистик мусобақа тобора қизиб бормоқда. Меҳнат беллашувида корхонанинг Александр Вирц етакчилигидаги металл конструкциялари тайёрловчи бригада коллективи мунтазам ғолиблар сафида бормоқда. Аҳил коллектив беш йиллик топшириқларини муваффақиятли уддалаган эди. 1985 йил плани ҳам муддатидан анча олдин 131,2 процент қилиб бажарилганди. Ўн иккинчи беш йилликнинг дастлабки ойи плани ҳам ошириб адо этилди. Бу меҳнат ютуқларига В. Ремесник, Г. Никулин, В. Ахматулин сингари илғор бунёдкорлар муносиб ҳисса қўшишмоқда.

Бригада аъзолари янги йилда ҳам юксак кўрсаткичларни кўзлаб ишлашмоқда. Улар йиллик планни Октябрь байрамигача бажаришга сўз бердилар. Шу давр мобайнида хом ашё ва материаллардан тежаб-тергаб фойдаланилади, 3 тонна металл, 200 килограмм электрод иқтисод қилиб, шу ҳисобига бир кун ишлаб беришни режалаштирдилар. Шунингдек, пландан ташқари 1000 тонна атрофида маҳсулот ишлаб чиқаришни ҳам ўз олдиларига вазифа қилиб қўйдилар.

Л. ҲОЖИБОЕВА.

## ҲУЖЖАТЛАР ВА МАТЕРИАЛЛАР ТЎПЛАМИ

«Мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш — бутун партиянинг, бутун халқнинг вазифаси» тематик тўплами босмадан чиқди. Тўпламга КПСС Марказий Комитети Пленумларининг материаллари, М. С. Горбачевнинг докладлари ва нутқлари, матбуотда эълон қилинган «КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросида» хабарларидан парчалар, партия Марказий Комитетининг қарорлари, шунингдек, КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг қўшма ҳужжатлари киритилган.

Барча ҳужжатлар 1985 йилнинг апрелидан октябригача бўлган даврни ўз ичига олади.

Тўпламни Сиёсий адабиёт нашриёти босмадан чиқарди.

(ТАСС).




- Атроф-муҳит ифлосланмасин
- Кечиктириб бўлмайдиган масала
- Биологик метод ёрдам беради
- Олимлар изланишда

# ЯНА ҲАВОНИНГ МУСАФФОЛИГИ ҲАҚИДА

**«АТМОСФЕРА ҳавосини муҳофаза қилиш кучайтирилсин. Шу мақсадда технология жараёнлари, ускуналар ва транспорт воситалари такомиллаштирилсин, хом-ашё ва ёнилғи сифати яхшилансин, саноат чиқитлари ва бошқа чиқитларни тозалаш учун юқори самарали қурилмалар жорий этилсин», — дейилади СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг Асосий йўналишлари лойиҳасида.**

**Маълумки, инсон ҳаёти ҳамма вақт атроф-муҳит билан узвий боғланган. Ҳозирги кунда атроф муҳитни асраб, авайлаш ҳар қачонгидан кўра муҳимроқ ва кечиктириб бўлмас социал ҳаётий масаладир.**

Тоза, мусаффо ҳаво деганда биз аввало нимани тушунамиз?

Ҳаммамизга яхши аёнки, одамзод, ер юзидаги бутун мавжудот ҳаво билан тирик. Ҳаво инсон учун сув ва қуёшдек мўътабар ва азиз! Она сайёрамизда ҳаётнинг мавжудлиги ҳам ер атмосферасида яшаш учун энг зарур омил бўлган кислород (оксиген)нинг етарли миқдорда борлигидир. Биз ҳаводан нафас олганимизда кислород нафас йўллари орқали организмимизга сингади, модда алмашуви сингари мураккаб ички биохимик жараёнлар юз беради. Одам бир кеча-кундузда ташқи муҳитдан 20 куб метр ҳаво олади. Унинг ўпкаси минутига 16—20 мартагача ҳаво ютиб, ҳаво чиқаради.

Энди бир тасаввур қилиб кўрайлик-чи! Агар бир одам ҳар суткада 20 куб. метр ҳаво олса, Ер куррасида истиқомат қилувчи 4,5 миллиарддан зиёд аҳоли учун бир суткада, бир ойда, бир йилда ва бир умрга қанча миқдорда ҳаво массаси зарур? Ҳа, тўғри, ҳисоб-китобларда биз жуда чексиз рақамларга дуч келамиз. Аммо, Ер куррамизда ҳаводан нафас олувчи якка-ёлғиз инсон эмаску?! Сайёрамизда тирик мавжудотларнинг тури ва сони озмунчами?! Шуни ҳам тан олиш керакки, ер юзидаги тириклик муҳити чексиз, беқиёс эмас.

Партия ва ҳукуматимиз табиатни муҳофаза этишни социалистик жамиятимиз афзалликларидан бири, халқ фаровонлигининг энг муҳим шарти, деб ҳисоблайди. Инсон саломатлиги бизда биринчи даражали масаладир.

Инсоннинг ташқи муҳитга таъсири турлича намоён бўлмоқда. Унинг салбий таъсири билан боғлиқ муаммолар, айниқса, ўринли ташвиш ва ҳавотирлик туғдирмоқда. Ана шулардан бири атмосфера ҳавосининг ифлосланишидир.

Тадқиқотчи олимларнинг маълумотларига қараганда, Американинг энг йирик саноат шаҳарлари — Лос-Анжелосда ҳаво атмосферасига ҳар куни 9 минг тонна, Нью-Йоркда 10 минг тонна миқдорида газ иси чиқариб ташланади. Нью-Джерси шаҳрининг ҳаво атмосфераси таркибида 44 хил кимёвий модда борлиги аниқланган.

Статистика маълумотларига кўра, ҳозирги кунда жаҳон мамлакатларида 320 миллиондан зиёд автомобиль ҳаракатда. Автомобиль моторидан ҳавога чиқадиган газлар таркибида эса 200 хил турли заҳарли кимёвий моддалар борлиги ўрганилган.

Ифлосланган атмосфера ҳавоси, албатта, одамлар саломатлигига таъсир этмай қолмаслиги шубҳасиз.

Капиталистик тузумдан фарқли ўлароқ, бизнинг социалистик тузумимиз бундай ҳол юз беришига мутлақо қаршидир. Совет давлати барпо бўлибдики, халқ саломатлиги, атроф-муҳит муҳофазаси ҳақида мунтазам қайғуриб келмоқда. Совет гигиена фани сўнгги йилларда, айниқса, жуда катта ютуқларга эришди. Атмосфера ҳавосининг ифлосланишини чеклаш борасида бир қатор

## ОЛИМ МИНБАРИ

илмий ва амалий тадбирлар ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ қилинди. Фан ҳозирги кунда бир куб. метр ҳаво таркибида зарарли моддаларнинг рухсат этиладиган миқдор нормаси қанча бўлишини ишлаб чиқиш методларини илмий асослаб берди. Ҳозир ҳамма ишлаб чиқариш корхоналарида ана шу метод асосида иш юритилмоқда.

Ўтган йили республикамизда табиатни муҳофаза қилиш борасида яна бир яхши ишга қўл урилди. Ўзбекистон ССР Прокурори ҳузурида доимий ишловчи табиатни муҳофаза қилиш бўйича ишчи группаси ташкил этилди ва ҳуқуқни муҳофаза этиш ҳамда назорат қилиш органларининг ҳамкорликда олиб бориладиган ишларнинг плани белгилаб олинди. Ҳозир областда бу жамиятнинг 550 минг аъзоси бор.

Мамлакатимизда табиатни муҳофаза этишга ҳар йили кўплаб маблағ ажратилмоқда. Ўтган беш йилликда ана шу мақсадлар учун 26 миллиард сўм сарфланди. Янги беш йилликда эса, янада кўпроқ — 30 миллиард сўм маблағ сарфлаш мўлжалланмоқда. Областда биргина ўтган йилнинг ўзидагина ана шу мақсадлар учун 24 миллион сўм маблағ сарфланди. Бу шубҳасиз, партия ва ҳукуматимизнинг совет кишиси ҳақида кўрсатаётган оталарча доимий ғамхўрлигининг ёрқин тимсолидир.

Маълумки, пойтахтимиз Тошкент ва Тошкент области шаҳар ҳамда район марказларида аҳоли зич жойлашган, йирик саноат корхоналари ҳам ана шу ерларда уйғунлашган.

Хўш, областда шаҳарлар микроиқлимини сақлаш борасида қандай тадбирлар амалга оширилмоқда?

Шуни қониқиш билан қайд қилиш мумкинки, сўнгги йилларда областда анчагина ибратли ишлар амалга оширилди. Буни ташқи муҳитни муҳофаза этиш масалаларига замонавий нуқтаи назардан оқилона ёндашиш, деб баҳолаш мумкин. Йирик саноат корхоналарида чиқитсиз ва кам чиқитли ишлаб чиқаришга ўтилаётганлигини ҳам айтиб ўтиш зарур. Область хўжаликларида юқори даражада таъсирчан заҳарли химикатлар қўлланилаётган ер майдонлари йилдан-йилга қисқариб бормоқда.

Лекин афсуски, ҳамма ерда ҳам иш кўнгилдагидек эмас. Партия ва ҳукуматимизнинг шаҳарлар ҳаво муҳитини мусаффо сақлаш борасидаги қарорлари баъзи жойларда изчиллик билан амалга оширилаяпти, деб бўлмайди. Бу борада узилишларга, лоқайдликка йўл қўйилмоқда. Жумладан, Чирчиқ шаҳридаги «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмаси, Олмалиқ кон-металлургия комбинати, «Ахангаранцемент» ишлаб чиқариш бирлашмаси, Ўзбекистон металлургия комбинати, Бекобод цемент заводи, Ангрен қурилиш материаллари комбинати, Тошкентдаги корборунд заводи ва бошқа қатор корхоналар янги тозалаш иншоотларини қуриш ва эскиларини реконструкция қилиш топшириқларини мунтазам пайсалга солиб келмоқдалар.

Бу корхоналарда газ ва чанг тутқич воситаларидан қониқарсиз фойдаланилмоқда, уларнинг кўплари эскириб, яроқсиз ҳолга келиб қолган. Ҳавони булғовчи жуда кўп манбалар газ ва чанг тутқич воситалари билан умуман жиҳозланмаган.

Атмосфера ҳавосини муҳофаза этиш инспекцияси органларининг бир неча марта огоҳлантиришлари ва ҳаттоки, маъмурий чоралар кўришлари ҳам уларга кор қилмаяпти. «Сантехлит» заводидаги аҳвол эса бундан ҳам нохуш.

Бу масалаларда корхоналаргина эмас, балки юқори ташкилотларнинг раҳбарлари ҳам айбдордирлар. Улар атмосфера ҳавосини муҳофаза этиш ҳақидаги давлат қонунларига риоя этиш масъулиятини кўпинча иккинчи ўринга суриб қўйишади. Энди бундай аҳволга қатъий чек қўйиш вақти етмадимикан?

Шаҳарлар атмосфера ҳавосини булғашда автотранспорт воситалари ва ахлатхоналар ҳам жиддий манба ҳисобланади. Бу борада Ўзбекистон ССР атмосфера ҳавосини муҳофаза этиш Давлат инспекцияси ва «Горчистка» идораси ходимлари иш олиб боришаяпти. Масалан, яқинда Давлат инспекцияси пойтахт областининг йирик шаҳарларида министрликлар, идоралар ва шахсий кишиларга тегишли автотранспорт воситаларини текширишдан ўтказди. Текшириш вақтида шу нарса аниқландики, кўчада тўхтатилган жами транспорт воситаларининг 38 процентида заҳарли ис гази нормадагидан анча юқори бўлган. 150 дан ортиқ транспорт воситасидан фойдаланиш таъқиқлаб қўйилган, 328 ҳайдовчига жами 1640 сўм миқдорида жарима солинган. Чирчиқдаги 2-автокорхона ва Чирчиқ таксомотор паркини бу соҳада «рекордчи», деса бўлади. Автокорхонада текширилган 38 машинадан 24 таси яроқсиз, деб топилган.

Давлат автоинспекцияси яхши, жуда фойдали ташаббусни бошлаб берди. Лекин ана шундай текширишлар тўхтаб қолмаса, тез-тез ўтказиб турилса, деймиз. Ҳар бир автотранспорт ҳайдовчиси ва шахсий машина эгасининг махсус талони бўлишига эришиш айни муддао бўлур эди.

Умуман олганда атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатаётган бошқа манбалар ҳам бор. Масалан, биз ўз йўлимизда тез-тез кўпдан-кўп ахлат уюмлари, ифлосланган ариқлар ва кўлмак сувларга дуч келиб турамиз. Ташландиқ майдончалар, биронта дарахт ва бута экилмаган нообод ҳовли-жойларни кўриб ранжиймиз. Буларни шаҳримиз ҳуснидаги доғлар, деса бўлади. Ана шундай нохуш манзарага кўпинча ўзимиз сабабчимиз. Ахир кенг жамоатчилик кучига таяниб, ўша доғларни ювиш, ўзимиз яшаб турган турар-жойлар атрофини кўкаламзорлаштириш мумкин-ку! Бунда уй-жой бошқармалари ва маҳалла комитетларининг активлари жонбозлик кўрсатишлари, жамоатчиликка бош-қош бўлишлари лозим.

**ҲУРМАТЛИ газетхон! Ўз она шаҳримиз ҳавосининг мусаффо, ҳовли ва кўчаларнинг озода ҳамда обод бўлиши кўп жиҳатдан бизнинг ўзимизга боғлиқ. Жамоатчиликнинг қўлидан кўп иш келади. Гап фақат аҳиллик-да ва хоҳишда қолган. Келинг, ҳиммат кўрсатиб, шаҳримиз ҳавосининг доим беғубор бўлишига ҳар биримиз ҳисса қўшайлик! Ахир ҳаммамиз ундан бирдек баҳра оламиз-ку!**

**Шаҳримиз ҳавоси ҳамиша мусаффо ва беғубор бўлсин!**

**Шариф ОТАБОЕВ,**
**профессор.**



◆ **НЕЪМАТИЛЛА МИРШОЕВ кўп йиллардан бери Бўстонлиқ ўрмон хўжалигида меҳнат қилаяпти. Ҳамкасблари билан ўтган йили 30 гектар ердаги ёввойи дарахт ва ўсимликларни маданийлаштиришди. Суратда: Неъматилла Миршоев.**

* * *

◆ **ТОҒ адрлари қиш уйқусида.**

**В. ЧИРКИН, В. ТАРАН** фотолари.



**ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАР КЎПАЙСИН**

# ТАБИИЙ БОЙЛИГИМИЗНИ АВАЙЛАЙЛИК

**Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Ботаника институти олимлари ўлкамиз ўсимлик дунёсини ўрганиш, уни системага солиш, халқ хўжалиги учун фойдали ўсимликларни маданийлаштириш борасида диққатга сазовор ишларни амалга оширмоқдалар. Бу илмий муассасанинг хом ашё мақсадларида фойдаланиладиган ўсимликларни ўрганиш лабораторияси ходимлари доривор ва фойдали ўсимликларни аниқлаш ва уларни кўпайтириш соҳасида самарали тадқиқотлар ўтказмоқдалар. Мухбиримиз А. НОСИРОВА шу лаборатория мудири, биология фанлари доктори Р. И. ВЕРНИКдан ана шу изланишлар натижаси ҳақида гапириб беришни илтимос қилди.**

— Лабораториямиз ходимлари авваллари доривор ва фойдали ўсимликларнинг табиий ўсиш шароитлари, бу ўтўланларни маданийлаштириш масалалари билан шуғулланар эдилар. Ҳозир тадқиқотларимиз йўналишлари тубдан ўзгарган.

Текширишлар доривор ва фойдали ўсимликларни тайёрлайдиган ташкилотлар ходимларининг табиий бойликка нотўғри муносабатда бўлишлари оқибатида мавжуд запасларнинг кескин камайиб кетаётганлигини кўрсатади. Шуни ҳисобга олган ҳолда зоналар бўйича махсус карталар тузиб чиқдик. Уларда доривор ва фойдали ўсимликлар қанча вақт мобайнида кўпайиши, табиий зоналар камайиб кетмаслиги учун уларни йиғиш миқдори кўрсатиб берилган.

Шу йилдан бошлаб Тошкент областининг адир ва тоғли районларида кенг кўламли тадқиқотлар бошлаб юборилади. Бўстонлиқ, Оҳангарон, Паркент зоналарида фойдали ва доривор ўсимликларнинг катта запаслари мавжудлиги аниқланган. Чунончи, доришунослик учун муҳим хом ашё ҳисобланган қораканд, чойўти ўсадиган янги майдонлар топилди. Олимларимиз Бўстонлиқ районидаги «Правда» газетаси 50 йиллиги» совхозида уларни етиштириш ва кўпайтириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқмоқдалар.

Бундан бир неча йил аввал Тошкент областининг жуда кўп районларида пском пиёзи ўсар эди. Унинг нафис гуллари баҳор фаслида қир-адирларимизга гўзаллик бахш этарди. Аммо унинг илдизмеваси хуштаъм бўлгани учун кўплаб йиғиштириб олишди. Натижада бу ўсимлик деярли йўқолиб кетди.

Табиатга бундай бемеҳрларча муносабатда бўлишга йўл қўйишга бизнинг лоқайдлик билан қараётганлигимизни афсусланиб таъкидламоқчиман. Чунки, биз кўп ҳолларда бирор ўсимликнинг йўқолиб кетиш хавфи пайдо бўлганидан кейингина бонг ура бошлаймиз. Бироқ, аввалроқ табиатга дастлаб раҳна солинаётганида эътиборсизлик қиламиз.

Масалан, афсонак ўсимлигини олайлик. Ундан медицинада йўтал дорилари тайёрланади. Биргина бизнинг областимизда йилига 50—100 тоннагача афсонак йиғиштириб олинаяпти. Лекин, мутасадди ташкилотлар уни кўпайтириш устида жиддийроқ ўйлаяпти, деб бўлмайди.

Ёввойи наъматак ҳақида ҳам худди шундай фикрни айтиш мумкин. Биохимик тадқиқотлар шуни кўрсатдики, табиатда ёввойи наъматакнинг ўрнини боса оладиган кўплаб ўсимликлар бор экан. Бунга Фатченко наъматагини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Тез орада ташкил қиладиган экспедицияларимизнинг иштирокчилари унинг запасларини аниқлайдилар.

Яна шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, лабораториямиз олимлари «Ўзбекистон доривор ўсимликлари картаси»ни яратдилар. Бу йирик илмий ишимиз яқинда нашр этилади.

ҲАР ТЎҒРИДА

## КОНВЕЙЕРДА ЖЕНЬШЕНЬ

◆ ЧАЙКОВИЧИ ем антибиотиклари заводида женьшень табиий шароитларга нисбатан 80 марта тезроқ — атиги бир ойда етилади. Бу ерда ҳаёт илдизи массасини узлуксиз етиштириш технологияси жорий этилди. Уни Бутуниттифоқ биотехнология илмий-тадқиқот институтининг мутахассислари ишлаб чиқдилар.

— Мамлакатда ҳар йили кавлаб олинадиган женьшень илдизи тахминан 50 килограммга борса, заводларда етиштирилган шифобахш ҳужайра массаси йилига ўнлаб тоннага етади, — дейди корхона директори Е. Димицкий.

Женьшень парфюмерия саноатида — лосьон, крем тайёрлашда фойдаланилади ҳамда ширин ичимликларга озгина қўшиб юборилади. Шу ҳужайралардан ишланган препарат экстрактлари ҳозир даволаш практикасида фойдаланиш учун медицина текширувидан ўтмоқда.

**Чайковичи,**
**Львов области.**

★

## ЕР ОСТИДА КЎЛ

◆ ЛАТВИЯЛИК инженер Г. Энинь ҳисоб қилиб... ғорни топди. Брасла дарёси тик ёқасидаги катта ва чуқур воронкалар унинг эътиборини жалб қилиб қолди. У буни ер остидаги қумлоқ гумбаз чўкаётганлигининг нишонаси деб ўйлаб, хотини, ўғли ва ўртоғи билан бирга лаҳим кавлади. Довюрак йигитлар арқонга осилиб таги кўринмайдиган ўрага тушганларида чўнтак фонарини ёқсалар бутун бир ер ости кўлини кўрдилар.

Бу ерга ҳаваскор ғоршунослар кетидан мутахассислар келдилар. Улар ғорнинг батафсил планини тузиб чиқдилар ва уни ўрганишни давом эттирадилар.

**Рига.**

★

## ЧАЁН — «ДОНОР»

◆ ҲАШАРОТ заҳри овчиларининг экспедициялари дашт районларига чиқиб кетди. Мамлакатдаги ягона инсектарий Олмаота шаҳрида ташкил этилган. Бу ерда жавонларга териб қўйилган ўн минглаб шиша колбаларда заҳри шифобахш «донорлар» яшайди. Унинг ёнида ўзига хос озуқа цехи жойлашган. Бу ерда бўғим оёқли хавфли ҳашаротларнинг емиши — мита етиштирилади. Улар тутқунликда ҳам инстинктини йўқотмайди, ўлжасига ташланиб, заҳар чиқараверади.

— Қора чаён айниқса хавфлидир, — дейди биология фанлари доктори О. Богданов. Унинг чақишидан юрак фалажи содир бўлади. Унинг заҳрига қарши фақат айнан шу чаён заҳаридан тайёрланган зардобгина ишлатилади. Яқинда Тошкент вакциналар ва зардоблар илмий-тадқиқот институти чаён заҳрига қарши препарат тайёрлаш устида иш бошлади. Олмаота инсектарийсининг мутахассислари доривор заҳарнинг дастлабки 500 миллиграммини олимларга жўнатдилар.

Улар ўргимчак бийи, қоракуртнинг ҳам заҳрини олмоқдалар. Ўргимчакнинг умри қисқа — атиги бир неча ойгина яшайди. Шунинг учун ҳам ўргимчаклар тутилиши биланоқ заҳри олинади.

**Олмаота.**

★

## ҚАРҚАРАЛАР ҚАЕРДА ҚИШЛАЙДИ?

◆ ЮЗЛАБ оқ қарқара илк бор Амударё бўйида қишламоқда. Илгарилари улар иссиқ мамлакатларга учиб кетаётиб, бу ерда дам олиш учун тўхтарди.

Қарқара, оққуш, қоравой шу жойларда қишлаши бежиз эмас. Чунки йил бўйи яхламайдиган ҳавзаларда балиқ кўп. Бундан ташқари ўрмончилик ходимлари паррандаларни қўриқлаб турадилар ва боқадилар. 1100 километрли Қорақум канали зонасида сув тошишидан ҳосил бўлган бошқа кўллар ҳам паррандалар яшайдиган жой бўлиб қолди. Чўлга катта сув келиши билан у ерда ҳар йили юз минглаб қушлар қишламоқда. Орнитологлар улар орасида 260 тур парранда борлигини ҳисобладилар.

**Ашхобод.**

**(ТАСС мухбирлари).**

*Бонг урамиз!*

## 20 ЙИЛДАН БЕРИ ТУТАЙДИ

Чорвоқ посёлкаси устини қоплаган қора тутунларни кўрган киши ажабланмай қолмайди. Улар шу ердаги қозонхонадан чиқиб атроф-муҳитни ифлослантириб турипти. Қозонхона бундан йигирма йил муқаддам қурилган эди. Бир неча минг аҳоли яшайдиган посёлка уйларини иситиш учун бу ерда кунига 20 минг тоннага яқин мазут ёқиляпти. Қозонхонага ёнилғи Фарғона нефтни қайта ишлаш заводидан келади. Ҳолбуки кўп жойларда, жумладан Чимён спорт комплексини иситишда ҳозирги пайтда арзон ҳамда атроф муҳитга мутлақо зарар етказмайдиган электр қозонхоналаридан фойдаланилаяпти. «ЧарвакГЭСстрой» ҳам нурхона биноларини иситишда ана шундай электр токи билан ишлайдиган кичик қозонхонадан фойдаланяпти.

Посёлкадаги алмисоқдан қолган қозонхона шу ерга яқин жойлашган паррандачилик фабрикасига ҳам жиддий зарар етказяпти. Қозонхонани реконструкция қилиш, уни атроф-муҳитни ифлослантирмайдиган электр энергияда ишлашга ўтказиш масаласи билан кўп марта тегишли ташкилотларга мурожаат қилинди. Аммо шу пайтгача қозонхона мўриларидан чиқаётган тутун посёлка устини қоплаб ётипти.

**В. ПОРТНОВ,**
**жамоатчи мухбир.**

**БУЛАР «ЎЗБЕКИСТОН ССР ҚИЗИЛ КИТОБИ»ГА ЁЗИЛГАН**





◆ **СУРАТЛАРДА: Чотқол бургути; тўқай йўлбарси.**

**СУВ МАНБАЛАРИ МУҲОФАЗАСИ**

# *Тозалик даракчилари*

**ФАН-техника тараққиёти суръатлари тезлашган сари инсон хўжалик фаолиятининг атрофимиздаги табиий муҳитга таъсири яққолроқ намоён бўлмоқда. Ана шу таъсир остида юзага келаётган муаммолардан бири — тоза ичимлик сув масаласидир. Маълумки, ер юзасида жойлашган очиқ сув манбалари энг кўп даражада ташқи таъсирга учрайди ва ифлосланади.**

**Яқин-яқин вақтларгача мамлакатимизда очиқ сувлар ҳолати фақат уларнинг химик ва физик кўрсаткичларига кўра назорат қилиб келинарди. Бироқ, бу маълумотларнинг ўзгинаси сувнинг сифати ва унда рўй бераётган жараёнлар ҳақида мулоҳаза юритиш учун жуда камлик қилади.**

**— Чунки, бундай маълумот сув системалари ифлосланишининг биологик оқибатлари ҳақида ҳеч нарса билдирмайди, — деб ҳикоя қилади Ўзбекистон ССР гидрометеорология ва табиий муҳитни назорат қилиш бошқармаси гидробиология лабораториясининг бошлиғи Владислав Николаевич Тальских. — Сув биоценозлари, яъни сувда яшовчи организмлар ўртасидаги алоқалар анализи шуни очиқ-ойдин кўрсатиб турибдики, сув экологик системаларининг жонли компонентлари сувни ифлослантиришда жиддий манба саналади. Шунинг учун ҳам бутун мамлакатимизда бўлгани каби республикамизда ҳам табиий муҳитни кузатиш ва назорат қилиш гидробиологик хизмати ташкил этилган.**

**Гидробиология лабораторияси республикамиздаги, шу жумладан, Тошкент областидаги баъзи асосий оқар сувларни ўз назорати остига олган. Булар Угом, Чирчиқ, Оҳангарон, Салор, Қорасув ва бошқа дарёлардир. Гидробиологик назорат пунктларида мутахассислар дарё туби чўкмаларидан, ўт босган сувости юзасидан намуналар чиқариб оладилар, сувда яшовчи организмлар ўртасидаги алоқаларни синчиклаб ўрганадилар.**

**Сувдаги жонли алоқаларнинг аниқланган турлари ва структураси нималар ҳақида дарак бериши мумкин?**

**Маълум бўлишича, бир гуруҳ организмлар ва уларнинг алоҳида турлари мавжуд бўлиб, улар сувнинг турлича ифлосланишларига жуда сезгир экан. Бир хил организмлар ҳаттоки озгина миқдордаги ифлосланишларга ҳам кўника олмайдилар, бошқалари эса, аксинча, ўз физиологик хусусиятларига кўра сувни булғовчи баъзи бир компонентларга муҳтожлик сезадилар.**

**Масалан, агар тадқиқот олиб борилаётган участкада диатом сув ўтларининг чучук сувда ўсадиган турлари учрамаса, у ҳолда бу сув манбаининг органик моддалар билан ифлосланганлиги ёки сувнинг юқори даражада хлоридлар ва сульфатлар билан минераллашганидан далолат беради. Мазкур сув ўтларининг шўр сувларда ўсувчи турлари эса минераллашган сувларда ривожланади.**

**Ҳайвонот оламининг энг оддий мавжудотлари — амёба ва инфузорийлар ривожидаги кескин ўзгариш сув муҳитида хўжалик-маиший ва коммунал оқавалари, шунингдек озиқ-овқат саноати ёки қоғоз ишлаб чиқариш оқава сувлари мавжудлигини кўрсатади.**

**Шундай қилиб, биологик метод, шубҳасиз, анализларнинг физик-химиявий ва санитария турларини тўлдиради ва сув ҳавзаларимиз тозалигига бирмунча пухта баҳо бериш имкониятини яратади.**

**А. СИЗОВ,**
**илмий ходим.**

# ТОҒ БОҒЛАРИ

ТОҒ меваси, асали, доривор ва зиравор ўсимликлар. Савдо тармоқлари, дорихоналарда табиатнинг бу неъматларини кўрган кишилар ўрмончилар хизматини муносиб баҳолаши турган гап. Улар мамлакатимиз Озиқ-овқат программасини бажаришга, беморлар дардига малҳам бўлишга ўзларининг арзигулик ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Чунончи ўтган йили 250 тоннадан ортиқ мева, кўплаб миқдорда доривор ўсимликлар етказиб беришди.

Бу мўлжаллаётган катта ишларимизнинг бошланиши, холос. Ўтган йили 50 гектар ерда янги боғ барпо этдик. Умуман фойдаланилмай ётган бу ерлар кўп ўтмай катта боғроғларга айланади. Натижада халқимиз дастурхони ноз-неъматларга янада тўкин бўлади.

СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга ҳамда 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари лойиҳасида ўрмон хўжалигини ривожлантириш, уларда мева ва доривор ўсимликлар тайёрлашни кўпайтириш кўзда тутилган. Ўрмончиларимиз бу катта режаларни амалга оширишга ўз ҳиссаларини қўшишга қарор қилганлар.

Ўрмон хўжалигимизнинг Хўжакент участкаси Тянь-Шань тоғининг шимоли-ғарбий қисмида ҳамда Жанубий Олотов ён бағирларида жойлашган. Унинг умумий майдони 3650 гектарни ташкил этса, шундан 1600 гектари ўрмонлардир. Биз бу ерда табиат неъматларини кўпайтириш билан бир қаторда Тошкент шаҳри боғлари, хиёбон ва кўчалари учун турли мевали ҳамда манзарали дарахт кўчатлари етиштириб ҳам берамиз.

Коллективимиз харсанг тошлар ўртасида ҳар туп ниҳолни авайлаб ўстириш учун курашади. Аммо баъзида ўрмончилар билан ҳисоблашмай, яшнаб турган дарахтзор ўрнида турли дам олиш зоналари қурилиши бошланиши табиат ихлосмандларини ранжитмоқда. Саломатлик масканлари табиат қўйнида барпо этилиши табиий. Лекин улар иложи борича табиатга зиён етказмаслиги лозим.

**С. ЙЎЛДОШЕВ,**
**Чирчиқ ўрмон хўжалиги бош ўрмончиси.**

*Бу—қизиқ!*

## ҚУШ ҲАМРОҲИНИ ИЗЛАЙДИ

Мен сайроқи қушлар шайдосиман. Менга кўркам тусли хушовоз канарейкалар жуда ёқади. Уларни уйда кўпдан бери боқаман, ҳам кўпайтираман.

Кунларнинг бирида қушчаларим тухум қўйиш тараддудига тушиб қолишди. Ин қуриш учун қулайроқ жой ва хас-чўп излашарди. Ўша ондаёқ қафас ичига ин қуриб, ичига момиқ тўшадим. Мен солиб берган «уйча» қушчаларга маъқул келмади шекилли, уни бир зумда остин-устун қилиб ташлашди.

Негадир анча вақтгача ин қурилмади. Фақат икки «ошиқ-мошиқ» ўз тилида бир-бирига қараб нималардир, деб чулдираб қўйишарди. Ниҳоят бир куни нар канарейка сочиб юборилган хас-чўпларни қафаснинг бир бурчагига таший бошлади. Она канарейка уларни саранжомлаб инга оро берди, ичига момиқ тўшади. Кўркамгина ин ҳам битди. Уй қуриб чарчаган икки қушча ширин пинакка кетди.

Она канарейка ўн кун чамаси уясидан нари жилмади. Йигирма беш кун деганда беш полопон дунёга келди. Мана бир ой вақт ҳам ўтиб, митти канарейкачалар ўзлари хўрак излашга киришишди. Уларни ёнма-ён жойлашган қафасларга ўтказдим.

...Не бўлди-ю, бир кун жуда нохуш воқеанинг устидан чиқиб қолдим. Нар канарейка қафас ичида ўзини уёқдан бу ёққа уриб, безовталаниб сайрар, нола қиларди. Бошқа қафаслардаги канарейкалар ҳам жимиб қолишган, безовта. Қафасга бундоқ бориб қарасам, жафокаш она канарейка қанотларини йиғиб ерда жонсиз ётибди.

Охири ёлғиз қолган канарейкага муносиб ҳамроҳ излашга тушдим. Лекин қандай ҳамроҳ топмай фойдаси бўлмади. Вафодор канарейка уларни ўз уясига яқин йўлатмади. Ғамгин қушча энди қувнаб сайрамас, ҳатто ўз фарзандларини ҳам хушламас эди. Айрилиқ ғами охири уни йиқитди. Энг хушовоз қушчам энди йўқ. Мен қаттиқ ачиндим.

**А. ТОЛИПОВ.**

